



100047, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 Tel.:(99871) 233-41-72, www.csm.gov.uz

«24» 08 2009 yil

№ 8-42

Қ А Р О Р

«O'ztashqineftgaz» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг 2009 йил 29 апрелдаги йиллик умумий йиғилиши қарори, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2009 йил 15 июндаги 181 к-ПО сонли буйруғига ва Адлия вазирлигида 2002 йил 10 июлда 1159-сон билан рўйхатдан ўтган «Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 38-бандига асосан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент шаҳар бошқармаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. «O'ztashqineftgaz» ОАЖнинг устав фонди жамият томонидан чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини 1 000 сўмдан 3 000 сўмгача ошириш ҳисобига оширилиши муносабати билан қуйидаги хужжатлар тақдим этилганлиги инобатга олинсин:

- жамият эмиссия рисолагарига ўзгартириш киритиш тўғрисида ариза;
- «O'ztashqineftgaz» ОАЖ акциядорларининг 2009 йил 29 апрелдаги йиллик умумий йиғилиши баённомасидан нусха;

- Тошкент шаҳар Хамза туман ҳокимияти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 23 июнда 07-000047 – сон билан рўйхатга олинган «O'ztashqineftgaz» ОАЖнинг уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матнининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2009 йил 15 июндаги 181 к-ПО сонли буйруғидан нусха;

- «O'ztashqineftgaz» ОАЖнинг 2008 йил якуни бўйича бухгалтерия балансининг нусхаси;

- Бюджетга 0,01 фоиз миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг нусхаси;

-Жамият эмиссия рисоаларига киритилаётган ўзгартиришлар матни—3 нусхада.

2. «O'ztashqineftgaz» ОАЖнинг 1999 йил 30 декабрда рўйхатга олинган Q0066 сонли ва 2002 йил 08 январда рўйхатга олинган Q0066-2 сонли акциялар чиқарилуви эмиссия рисоаларига киритилаётган ўзгартиришлар рўйхатга олинсин.

3. Ахборотни ошкора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлими:

- Q0066 сонли ва Q0066-2 сонли акциялар чиқарилуви эмиссия рисоаларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан Қимматли қоғозлар чиқарилуви ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритсин;

- ушбу қарорнинг бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, бир нусхаси «O'ztashqineftgaz» ОАЖга берилсин.

4. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборотни ошкора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлимига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи



Б. Шакиров - Б.Шакиров